

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2023 йил июль ойининг 28 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг судьяси Ж.Одиловнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари Н.Ибрагимов ва И.Эшматовадан иборат ҳайъатда, судья ёрдамчиси Ш.Зоировнинг котиблигида, давлат айбловчиси Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Акромов, судланувчи С.Азимова ва унинг ҳимоячиси, адвокат С.Самиковнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми ва 276-моддаси

2-қисмининг “а” банди билан айбланган:

1990 йил 15 январь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оиласи билан ажрашган, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди бор, судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Чилонзор мавзеси, 3-даҳа, 23-уй, 97-хонадонда яшайдиган, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида шахсий кафиллик қўлланилган, айблов хулоса нусхасини ўз вақтида олган **Азимова Сардора Мирбахтияровна** (Azimova Sardora Mirbaxtiyarovna)га оид 1-1007-2303/392-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Азимова Сардора Мирбахтияровна 2023 йил 10 февраль куни соат 22:20ларда Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси, 23-даҳа, 45-уйнинг олдида бўла туриб, ўзи томонидан сотиб олинган 8 дона полимер пакетча ичида бўлган альфа-пирролидиновалерофенон (α -PVP) моддасидан 2 донасини (0,3367 грамм ва 0,3948 грамм) қонунга хилоф равишда укаси А.Гулшановга берган ҳолда ўтказган.

Шу пайтда, Тошкент шаҳар Учтепа туман ИИО ФМБ ЖҚБ ҳамда ЖТСБ ППХ 1-отряд ходимлари томонидан гиёвандлик воситасини қонунга хилоф равишда муомала қилишда гумон қилиниб, холислар иштирокида текширилганида, А.Гулшановнинг эғнидаги куртқасининг чап чўнтагидан С.Азимова томонидан унга қонунга хилоф равишда ўтказилган 2 дона, шунингдек, С.Азимованинг эғнидаги кийимидан

5 дона ва ёнидаги қизил рангли аёллар сумқасидан 1 дона



ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаб келинган шаффоф полимер пакетча ичида бўлган оқ рангли ўзига хос ҳидли кристалл-кукунсимон воситалар топилиб, ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

2023 йил 13 февралдаги 127-сонли суд-кимёвий экспертиза, тадқиқотга тақдим этилган 4 дона полимер пакетчалардаги моддаларнинг ҳар бир 1 граммида (0,3367, 0,522, 0,3948, 0,3991 граммдан), ўртача миқдори 0,4132 граммни ташкил этганлигини инобатга олган ҳолда саккиз дона оғзи маҳкамаланадиган полимер пакетчаларнинг ичидан чиққан умумий вазни 2,64 граммни ташкил қилган оқ рангли кристалл-кукунсимон моддаларнинг таркибида альфа-пирролидиновалерофенон (α -PVP) моддаси мавжудлиги, модданинг таркибидаги актив (α -PVP) альфа-пирролидиновалерофенон моддасининг соф миқдори 1,090848 граммни ташкил этганлиги ҳақида хулоса берган.

Альфа-пирролидиновалерофенон (α -PVP) моддаси - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва перкурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг муомалада бўлиш юзасидан назоратини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорига ўзгартириш киритиш ҳақидаги 2018 йил

27 октябрдаги 878-сон Қарорининг 1-рўйхатида 139-тартиб рақам билан кўрсатиб ўтилган гиёҳванд воситалар туркумига киради.

Жиноят ишининг Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси

2-қисмининг “а” банди билан А.Гулшановга оид қисми, Тошкент шаҳар Учтепа туман ИИО ФМБ ҳузуридаги тергов бўлимининг 2023 йил

3 апрелдаги қарорига биноан ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандига асосан тугатилган.

Суд мажлисида **судланувчи С.Азимова**, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, шу вақтга қадар ёлғиз она бўлганлиги сабабли ижарага кунлик ижара асосида автомобил олиб, киракашлик билан шуғулланиб келганлигини, тахминан бир ярим йил олдин нотаниш бўлган эркак кишини автомобилига мижоз сифатида олган вақтида ушбу эркакнинг Юнусобод туманида маҳалла ҳудудидан ердан ковлаб ниманидир олганлигини кўриб қолганлигини, шундан кейин ушбу эркакдан ердан нимани ковлаб олганлигини сўраганида, у ушбу нарсани истеъмол



қилишини, истеъмол қилган вақтида тетикланишини, уйқуни ўчиришини айтганлигини, у ундан қизиқиб ушбу модданинг номини ва қаердан олишини сўраганида, у ушбу модданинг номи “СК” эканлигини, ушбу моддани “TESLA SHOP” номли сайт орқали телеграм ботдан буюртма бериб сотиб олишини айтганлигини, шундан кейин у ушбу моддани гиёҳванд модда эканлигини билганлигини ва истеъмол қилиб кўришга қарор қилганлигини, у ҳам ухламасдан суткалаб автомобилни бошқариб юрганлиги сабабли ушбу моддани интернет орқали буюрта бериб сотиб олиб, истеъмол қилиб кўрганлигини, ушбу моддани кунлик кира қилганлиги сабабли уйқуси келмаслиги ва тетиклантириши учун истеъмол қилиб турадиган бўлганлигини, 2023 йил 10 февраль куни соат тахминан 15:00ларда ушбу моддани яна истеъмол қилиш мақсадида “TESLA SHOP” телеграм ботида кирганлигини, ботда акция эълон қилинган ва у истеъмол қиладиган “СК” номли модданинг нархи анча арзон ҳолатда сотилаётганлигини кўриб, йиғиб қўйган пулларида жами 1.600.000 сўм миқдордаги пулларида 8 дона “СК” моддасидан буюртма берганлигини, шундан кейин бот унга геолокация ва фотосуратини жўнатганлигини, геолокация бўйича Сирғали тумани тарафдан унга нотаниш ҳудуддан ерга кўмилган 8 дона моддани тошлар орасидан олганлигини, ушбу 8 та моддани шаффоф рангдаги селофан пакетга солиб сумкамга солиб қўйганлигини, кейин соат тахминан 21:00ларда укаси Абдурахмон билан Учтепа тумани 25-мавзеда скамейкада ўтирганида, ўзида мавжуд бўлган 8 дона моддаларни очиб устини тозаламоқчи бўлиб, ёнидаги қизил рангдаги аёллар сумкасидан олиб, улардан иккитасини укаси Абдурахмонга бериб, устини тозалаб очиб туришини айтганлигини, шу вақтда ИИО ходимлари келиб қолишганлигини, уларни кўриб, қўлидаги селофан пакетда мавжуд бўлган моддаларни кийимининг орасига яъни чап томон кўкрак қисмига сийнабанд тасмасининг орасига тикиб яширганлигини, лекин ИИО ходимлари ушбу ҳолатни кўриб қолганликларини, шу сабабли улар ундан ушбу моддани ихтиёрий тақдим қилишини сўрашганлигини, шундан кейин ИИО ходимлари икки нафар ҳолис шахсни таклиф қилишиб, ушбу моддаларни ундан олишганлигини, укаси Абдурахмоннинг ёнини кўздан кечириб, Абдурахмондан у берган икки дона “СК” моддасини олишганлигини, у анча вафтдан буён “СК” моддасини истеъмол қилиб келишини, “СК” моддасини укасига сотиш мақсади бўлмаганлигини, унга усти қаттиқ бўлганлиги учун тозалашишга ёрдам бериш учун берганлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, 3 нафар вояга етмаган фарзанди



борлигини, ёлғиз она эканлигини, қилган ишимдан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи С.Азимованинг содир этган қилмиши, ўзининг айбига тўлиқ иқrorлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, судда текширилиб, ҳуқуқий баҳо берилган қўйидаги:

суд мажлисида сўралган гувоҳ **А.Гулшановнинг**, С.Азимова туғишган опаси бўлишини, опаси ўзи номини “СК” деб айтган моддани истеъmol қилиб келаётганлигини билишини, у ҳам 2023 йилнинг январь ойида ушбу моддадан опасига қўшилиб истеъmol қилиб кўрганлигини, лекин унга ёқмагани учун истеъmol қилмай қўйганлигини, 2023 йил 10 февраль куни соат тахминан 21:00ларда опаси қўнғироқ қилиб, уйда эканлигини сўраганлигини, унга уйда эканлигини айтида, у “ҳозир бораман” деганлигини ва бироздан кейин етиб келганлигини, унга “юр битта жойга ўтиб келамиз” деганлигини, лекин аниқ манзилни айтмаганлигини, кейин у опаси ижара асосида бошқарадиган спарк русумли автомобилда тахминан бир километрча юрганимиздан кейин қаерга бораётганликлари ҳақида сўраганида, эски маҳаллаларига бораётганликларини айтганлигини, шундан кейин биргаликда Учтепа тумани 23-мавзе 45-уйнинг олдига боришганлигини ва шу ердаги скамейкага ўтиришганлигини, опаси унга чўнтагидан икки дона кесаксимон жисмни олиб унга берганлигини, у опасидан ушбу жисмнинг нима эканлигини сўраганида, у ушбу нарсани ўзининг одатий истеъmol қиладиган гиёҳванд моддаси “СК” эканлигини айтганлигини, опаси унга ушбу модданинг устидаги тозалашда ёрдам беришини сўраб унга 2 та “СК” моддасини берганлигини, ўзи эса эгнидаги палтосининг чўнтагидан олган бир дона селофан пакетнинг ичидаги моддаларини қўлига олаётган вақтида, ИИО ходимлари келиб қолишганлигини, шу сабабли у опаси берган икки дона моддани эгнидаги куртканинг чап чўнтагига солиб қўйганлигини, опаси эса қўлидаги селофан пакетни ичидаги моддалари билан бирга кийимининг кўкрак қисмига солиб юборганлигини, шунда ИИО ходимлари икки нафар ҳолис шахсни чақириб, унинг ёнини кўздан кечириб, куртканинг чўнтагидаги икки дона моддани олишганлигини, опасидан ҳам кўкрак қисмига тиқиб юборган нарсасини ихтиёрий тақдим қилишини сўрашганлигини, шунда опаси ҳам ушбу моддаларни ихтиёрий равишда уларга тақдим қилганлигини, кейин опанинг қизил рангдаги аёллар сумкаси кўздан кечирилганида, унинг ичида яна бир дона



ушбу модда чиққанлигини, ИИО ходимлари ҳолислар иштирокида ушбу моддаларни ҳужжатлаштириб олишганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

суд мажлисида сўралган гувоҳ **Б.Очиловнинг**, 2023 йил 10 февраль куни соат тахминан 22:30ларда Учтепа тумани 23-мавзе, 45-уй олдида турникка тортилмоқчи бўлиб турганида, ИИО ходимлари келишиб, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, бир ишда холис гувоҳ бўлиб қатнашишини сўрашганлигини, шунда у рози бўлганлигини, сўнгра у билан яна бир рус миллатига мансуб шахс иштирокида, бир нафар йигит ва бир нафар кўринишидан хомиладор бўлган аёл ўзларини шубхали тутганликлари учун, эғнидаги кийимларини ва ёнларидаги ашёларини кўздан кечиришганлигини, сўнгра ушбу йигитдан ва аёлдан ўзини таништириш сўралганида, йигит ўзини Гулшанов Абдурахмон деб, Азимова Сардора деб таништирганлигини, сўнгра уларга ёнларидаги ва сумкасидаги нарсаларни кўрсатиш таклиф қилинганда, Сардора исмли аёл ўзининг кийимида мавжуд бўлган 5 дона тошсимон моддани тақдим қилганлигини, Абдурахмоннинг куртқасининг чап чўнтагида ҳам 2 дона тошсимон модда мавжуд эканлиги аниқланганлигини, бундан ташқари Сардора исмли аёлнинг қизил рангдаги аёллар сумкасида яна бир дона тошсимон модда мавжудлиги маълум бўлганлигини, ИИБ ходимлари ҳолат бўйича ҳужжатлар расмийлаштиришганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

жиноят иши кўзғатиш ҳақидаги қарор (и.в.1), билдиргилар (и.в.2, 3), нарсани олиб кўйиш ва кўздан кечириш баённомаси (и.в.10), суд-кимёвий экспертиза хулосаси ва фото жадваллар (и.в.14-17), ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор (и.в.49), судга оид наркология экспертиза далолатномаси (и.в.61), тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган.

Дастлабки тергов органлари томонидан судланувчи С.Азимованинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми, яъни “Гиёвандлик воситасини қонунга хилоф равишда кўп миқдорда сотиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан нотўғри квалификация қилинган.

Чунки, на дастлабки тергов даврида, на суд мажлиси жараёнида С.Азимова қонунга хилоф равишда гиёвандлик воситасини сотганлик ҳолати ўз исботини топмаган, хусусан, С.Азимова ўз укаси А.Гулшановга ундан олинган гиёвандлик воситасини ҳақиқатда сотганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас, шу жумладан, гиёвандлик воситасининг



сотувидан тушган пул маблағлари олинмаган ва ашёвий далил деб эътироф этилган ҳолда ишга қўшилмаган, ишда С.Азимованинг гиёвандлик воситасини сотганлигини фош қилувчи гувоҳ кўрсатуви ҳам мавжуд эмас.

Ўз навбатида, С.Азимова ва А.Гулшановлар дастлабки тергов ва судда гиёвандлик воситаси сотилганлик ҳолатини тўлиқ инкор қилиб келганлар. Шунингдек, С.Азимова А.Гулшановни гиёвандлик воситасини истеъмол қилишга жалб қилганлиги ҳам судда аниқланмади, шу жумладан, А.Гулшанов ўз кўрсатувларида С.Азимова уни гиёвандлик воситасини истеъмол қилишга жалб қилганлиги ҳақида умуман кўрсатув бермаган.

Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий маркази Тошкент шаҳар филиалининг 2023 йил 3 мартдаги 307-сонли далолатномасига асосан, судланувчи С.Азимова гиёвандликка (α -PVP) чалинганлиги ва ундан мажбурий даволанишга муҳтож эканлиги аниқланган.

Судда аниқланишича, С.Азимова 2023 йил 10 февраль куни соат 22:20ларда Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси, 23-даҳа, 45-уйнинг олдида бўла туриб, ўзи томонидан сотиб олинган 8 дона полимер пакетча ичида бўлган альфа-пирролидиновалерофенон (α -PVP) моддасидан 2 донасини (0,3367 грамм ва 0,3948 грамм) қонунга хилоф равишда укаси А.Гулшановга бериш йўли билан ўтказган. Шу пайтда, Тошкент шаҳар Учтепа туман ИИО ФМБ ЖКБ ҳамда ЖТСБ ППХ 1-отряд ходимлари томонидан гиёвандлик воситасини қонунга хилоф равишда муомала қилишда гумон қилиниб, холислар иштирокида текширилганида, А.Гулшановнинг эғнидаги куртқасининг чап чўнтагидан С.Азимова томонидан унга қонунга хилоф равишда ўтказилган 2 дона, шунингдек, С.Азимованинг эғнидаги кийимидан

5 дона ва ёнидаги қизил рангли аёллар сумқасидан 1 дона ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаб келинган шаффоф полимер пакетча ичида бўлган оқ рангли ўзига хос ҳидли кристалл-кукунсимон воситалар, яъни 2023 йил 13 февралдаги 127-сонли суд-кимёвий экспертиза хулосасига мувофиқ, умумий вазни 2,64 грамм, соф вазни 1,090848 граммни ташкил этган альфа-пирролидиновалерофенон (α -PVP) моддаси топилиб, ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Дастлабки тергов даврида жиноят ишининг Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан А.Гулшановга оид қисми, Тошкент шаҳар Учтепа туман ИИО ФМБ ҳузуридаги тергов бўлимининг 2023 йил 3 апрелдаги



қарорига биноан ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандига асосан тугатилган.

Биобарин, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига асосан, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сон Фармонига кўра, янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил

28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 21-бандида, ЖК 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Юқоридаги қонун талаблари ва аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, суд ҳайъати, судланувчи С.Азимованинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисмидан 273-моддасининг 2-қисмига, яъни “Гиёвандлик воситаларини



озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказишда ифодаланган жиноят аломатлари билан қайта квалификация қилишни лозим деб топади.

Судланувчи С.Азимованинг, кўп миқдорни ташкил қилувчи умумий вазни 2,64 грамм, соф вазни 1,090848 граммни ташкил этган альфа-пирролидиновалерофенон (α -PVP) гиёвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлашдан иборат жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Суд ҳайъати, судланувчи С.Азимовага нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида берилган раҳбарий тушунтиришлар, шу жумладан, мазкур Қарорнинг 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунга кўра, жазо адолатли бўлиши–ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ҳақида берилган тушунтиришга риоя қилиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, аёл киши эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва мулкӣ аҳволини, ёлғиз она ҳисобланиб, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди, шу жумладан, бир нафар уч ёшга тўлмаган фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида эса жиноятни паст ниятларда содир этганлигини инобатга олиб, шунингдек, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини ҳамда иш бўйича олинган гиёвандлик воситасининг тури ва миқдорини эътиборга олиб, унга нисбатан ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан ишдаги барча енгиллаштирувчи ҳолатларни, шу жумладан, қилмишидан пушаймонлигини, аёл киши эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва мулкӣ аҳволини, ёлғиз она ҳисобланиб, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди, шу жумладан, бир нафар уч ёшга тўлмаган фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, санкцияда назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги, яъни озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан



эса ЖК 50-моддасининг 10-қисми талабидан келиб чиққан ҳолда санкция доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ҳамда унинг зиммасига қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклашни лозим топади.

Шунингдек, суд ҳайъати, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий маркази Тошкент шаҳар филиалининг 2023 йил 3 мартдаги 307-сонли далолатномасига асосан, судланувчи С.Азимова гиёвандликка (α -PVP) чалинганлиги ва ундан мажбурий даволанишга муҳтож эканлигини эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини татбиқ қилиб, яшаш жойи бўйича тиббиёт муассасасида гиёвандликдан мажбурий даво чораларини тайинлашни, шу билан бир қаторда, ашёвий далиллар тақдирини муҳокама қилиб, ашёвий далил тариқасида олиниб, суд-кимёвий экспертиза тадқиқотида сарфланганидан сўнг қолган ҳамда 2023 йил 15 мартдаги 04259-сон қвитанцияга асосан Ўзбекистон Республикаси ДХХга топширилган таркибида “альфа-пирролидиновалерофенон (α -PVP)” гиёвандлик воситаси мавжуд бўлган 2,56 грамм моддани тегишли тартибда йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Азимова Сардора Мирбахтияровна (Azimova Sardora Mirbaxtiyarovna) Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми ва 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга нисбатан:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, жиноятлар мажмуи тариқасида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил С.Азимовага ўташ учун 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



С.Азимовага тайинланган жазо уни яшаш жойи бўйича, яъни Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Чилонзор мавзеси, 3-даҳа, 23-уй,

97-хонадонда соат 21:30дан кейинги куннинг соат 06:30га қадар ўтаттирилсин ва унга қуйидаги чекловлар ўрнатилсин:

-маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар истеъмол қилишга ружу қўйган, яқин қариндоши ҳисобланмайдиган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

-оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

-Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча мажбуриятлар юклансин.

Жазони ижросини таъминлаш, С.Азимованинг яшаш жойи бўйича, яъни Тошкент шаҳар Чилонзор туман ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш муддати С.Азимова жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

С.Азимовага жазони ўташ даврида, унга белгиланган чекланишларни бузган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖК

48¹-моддасининг 6-қисмида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

С.Азимовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

96-моддаси қўлланилиб, яшаш жойи бўйича тиббиёт муассасасида гиёвандликдан мажбурий даволаниш чораси тайинлансин.

С.Азимовага нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси, ҳукм қонуний кучга киргач, бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида олинган 2023 йил 15 мартдаги 04259-сон қвитанцияга асосан Ўзбекистон Республикаси ДХХга топширилган таркибида “альфа-пирролидиновалерофенон (α -PVP)” гиёвандлик воситаси мавжуд бўлган 2,56 грамм модда, ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов



хайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи
Ж.Одилов**

**Халқ маслаҳатчилари
Н.Ибрагимов**

Н.Эшматова

Маъсул судья: Одилов Жаҳонгир Шухратович



Ҳужжат имзоланган: Одилов Жаҳонгир Шухратович, 28.08.2023

